

## Қашқадарё Вилоятлари Музейларида Кўргазмаларни Ташкил Этиш Жараёнлари

Хосиятов Хурийд Отакулович<sup>1</sup>

**Аннотация:** Мазкур мақолада Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ёшларга давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлиги, фан, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва тафаккур тарзи ижобий томонга ўзгариб бораётганлиги ҳамда баркамол авлодни тарбиялашда музейларнинг ўрни ҳақида баён этилади.

**Калит сўзлар:** Экспозиция” “виртуал экспозиция” “AspenMovieMap”, “Буюк ипак йўли”, “миллий истиқлол курашчиси”, “қулоқлаштириш”..

Музейларда ташкил этилган кўргазмалар аввало, муайян музей характеридан келиб чиқиб шакллантирилади. Ўлкашунослик ва тарих музейларида кўргазмаларни ташкил этища тарихийлик тамойилларига жиддий амал қилинади. Бунда буюмлар даврий кетма-кетликда жойлаштирилади. Музей кўргазмалари визуал алоқанинг бир тури бўлиб, унинг мақсади музей экспонатлари ва санъат асарлари, ёзма ахборот воситалари, деворий матнлар, ёрлиқлар орқали томошабинларга ахборот беришдир<sup>2</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг тарих музейларида янги кўргазмаларни шакллантиришда тарихий жараёнлар таҳлилига аҳамият қаратилди. Масалан, “октябрь инқилоби”, “ёш комсомол” ва бошқа шу каби қурашлар ўрнига “миллий истиқлол курашчиси”, “қулоқлаштириш”, миллий қадриятлар тарғиботи каби масалалар моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи экспонатларни кўргазмаларга қўйишга эътибор қаратилди. Масалан, 1992 йил Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи тарих бўлимида Бухоро амирлиги даврига оид расмлар, этнографик жиҳозлар, халқ амалий санъати буюмлари кўргазмадан жой олди. Шунингдек, кўргазмаларда Амир Темур ва темурийлар даврига оид тарихий буюмлар, Қарши тумани Кожар қишлоғидан олиб келинган қабр тоши, “Буюк ипак йўли” тавсиф харитаси, Қашқадарё вилоятининг ўтмишига оид тасвирлар, эски қўлёзма китоблар, этнографик, халқ ижодиётига оид ашёлар жойлаштирилди. Музей фондида моҳир ҳаттотлар томонидан кўчирилган эски китоблар ҳам мавжуд эди. Шу иили музейга 28 минг киши келиб, янги кўргазмалар билан танишди. Уларнинг кўпчилигини мактаб ўқувчилари, талабалар, маҳаллалардан келган туб жой аҳолиси ташкил этди. Уларга 397 марта экскурсиялар ташкил этилиб, 31 марта маъruzалар ўқилди<sup>3</sup>. 1994 йилнинг 6 ойи давомида Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейининг тарих, табиат бўлимлари кўргазмаларини ишчилардан – 3750 киши, талабалардан – 7640, ўқувчилардан – 11210, саёҳатчилардан – 1000, дала ишчиларидан – 1430 киши томоша қилди<sup>4</sup>.

Ўлкашунослик музейларида мустақиллик даври бўйича ҳам кўргазма ташкил этилиб, унда асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг турли фото суратлари ва унинг фаолиятига оид маълумотлар, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлигига оид ҳужжатлар, ҳамдўстлик давлатлари, халқаро шартномалар, уларнинг ҳаётига оид маълумотлар жойлаштирилди.

<sup>1</sup> Қарши мухандислик иқтисодиёт институти «Ўзбекистон тарихи» доценти

<sup>2</sup> Воронцев Б. Забота о посетителях. Методы работы с аудиторией, не требующий больших затрат // Материалы российско-британского семинара “Музеи в период перемен”. – СПб., 1997. - С. 89.

<sup>3</sup> ҚВДА, М-687-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 3-4-вараклар.

<sup>4</sup> ҚВДА, М-687-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 77-варак.



Турли мавзудаги кўргазмаларни юқори савияда ўтказиш учун тайёргарлик ишларига музейшунослар, шунингдек, турли соҳада катта билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар жалб этилди, экспозиция яратишида, авваламбор, унинг илмийлигига эътибор қаратиш талаб этилди. Музейларнинг асоси бўлмиш “экспозиция” тарихи, шаклланиши, унинг назарияси мавжуд. “Экспозиция” намойишига қўйилган барча осори-атиқалар асосини ҳар қандай ашё эмас, ўзига хос белги ва хусусиятларга эга ашёлар ташкил этади<sup>5</sup>. Музейлар экспозицияси аҳамиятини оширишида ёрдамчи илмий маълумотлар: карталар, диаграммалар схемалар ва бошқалар муҳим роль ўйнайди. Улар экспозицияларнинг тарихий мазмунини аникроқ тушунишга кўмак беради<sup>6</sup>.

“Экспозиция” лотинча “exposition” сўзидан олинган бўлиб, “ехропо” – “томоша учун кўрсатмоқ, териб қўйиш, “sitio” – рўйхатга олиш, баён этиш маъноларини англатади<sup>7</sup>. Замонавий атамалар қаторига “виртуал экспозиция” ҳам қўшилди. 1977 йили Массачутес технология институтида “AspenMovieMap” – биринчи виртуал воқеълик тизими яратилиб, шу вақтдан бошлаб газета ва илмий адабиётларда “виртуал музей” атамаси пайдо бўлди. “Виртуал” – “виртус” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, “тасаввур” деган маънони англатади<sup>8</sup>.

Ўзбекистон музейларини жаҳон стандартлариiga мослаштириш, жаҳонга танитиш, улардан ёшларимиз онгига миллий ғурур ва ифтихор ҳиссини тарбиялаш, истиқлол ғоясига содиклик ва уларда Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда<sup>9</sup>.

1994 йилда Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида “Истиқлол ва маданий мерос”, “Қашқадарё вилояти ва хорижий давлатлар ҳамдўстлиги”, “Дўстлик – ҳамкорлик самараси”, “Музейлар тарих ойнаси”, “Қашқадарё вилоятининг 70 йиллигига бағищланади”, “Мирзо Улуғбек буюк мунажжим” ва бошқа мавзуларда кўргазмалар ташкил қилинди<sup>10</sup>.

Қарши шаҳрида 1994 йили Шон-шухрат кўргонида Жанговар меҳнат ва шон-шухрат музейи ташкил қилиниб, музей 1995 йил 9 майда очилди. Музейда 4 та йирик кўргазмалар ташкил этилди. “Қашқадарёликлар уруш йилларида (1941-1945 йиллар)”, “Қашқадарё аҳлиниңг фронтга кўрсатган ёрдами”, “Ҳеч ким, ҳеч нарса унтуилмайди”, “Қашқадарёлик ёш йигитлар Афғонистонда” каби кўргазмалар, шулар жумласидандир<sup>11</sup>.

Музейларда доимий равишда кўргазма заллардаги мавжуд экспонатларни асраб-авайлаб сақлаш талаб этилади, бироқ аксарият ҳолларда музейларнинг заллари тор, ноқулай бўлишига қарамасдан экспонатларни иссиқдан, намдан, ёруғликдан, заарли ҳашоратлар таъсиридан сақлаш чора-тадбирлари кўрилиб борилади.

Музейларда ҳар бир кўргазма учун тематик режалар тузилиб, методик кенгашда тасдиқланади. Масалан, Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи археология бўлимида 1995 йил учун “Ўлкамизда археологик тадқиқотлар” деб номланган кўргазманинг тематик тузилиши ва тематик экспозицион режалари тузилди ва методик кенгашда тасдиқланди. Кўргазма “Қадимги тош асри ёдгорликлари”, “Бронза асри ёдгорликлари”, «Ўрта аср ёдгорликлари” каби бўлимлардан иборат эди. Шунингдек, музейнинг “Воҳамиз тарихи ҳақида” номли археологик экспонатлардан ташкил этилган маҳсус кўргазмасига “Тош асри ёдгорликлари”, “Зараутсойдаги деворга солинган суратлар”, “Бронза асри ёдгорликлари”, “Сополлитепа – хунармандчиликнинг

<sup>5</sup> Курбонова Д. Замонавий музейшунослиқда виртуал кўргазмаларнинг истиқболлари // Ўзбекистон музейлари истиқболлари. Илмий қўлланма. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 36.

<sup>6</sup> Ҳабибуллаев Н.Н. Музей ва фан-таълим // Ўзбекистон музейлари истиқболлари. Илмий қўлланма. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 15.

<sup>7</sup> Юренева Т.Ю. Музееведение. – М., 2003.

<sup>8</sup> Толипова Н. Музей кўргазмаларини ташкиллаштиришда ўзига хослик // Ўзбекистон музейлари истиқболлари. Илмий қўлланма. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 112.

<sup>9</sup> Курязова Д. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти. Тарих фан. ном. дисс. – Т.: ЎзМУ. 2009. – Б. 59.

<sup>10</sup> ҚВДА, М-687-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 85-варак.

<sup>11</sup> Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 10-варак.



ривожи”, “Жарқұтон – шаҳар маданияти ташкил топиши”, “Үрта асрлар даври ёдгорликлари”, “Үлкамизга Ислом динининг кириб келиши” каби мавзуларда экспонатлар қўйилди<sup>12</sup>.

1995 йилда Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг этнография ва халқ амалий санъати бўлими ходимлари музейнинг маҳсус кўргазмалар залида “Халқ амалий санъати намуналари” кўргазмасини ташкил қилди<sup>13</sup>. Кўргазма муваффақиятли ўтди.

1995 йили Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музей илмий экспозициясини тузишда ва кўргазмада акс эттиришда музей қизиқарли бўлиши учун қашқадарёликларнинг уруш жангоҳларида ва фронт орқасида кўрсатган меҳнат жасоратига оид мойли бўёқда ишланган нафис тасвирий санъат асарлари, диаграммалар, қизиқарли хужжатлар намойиш этилди<sup>14</sup>. Шу йили мазкур музей кўргазмалари билан 80 минг, кўчма кўргазмалар билан 57 минг, 1997 йилнинг 9 ой давомида эса 42400 киши танишди<sup>15</sup>.

1997 йил давомида тарих, табиат, халқ амалий санъати бўлимларига ўзгаришлар киритилди. Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи тарих бўлимида Қашқадарёнинг қадимги давридан бошлаб Қашқадарё вилоят бўлиб ташкил топгунга қадар бўлган йилномасини ёритувчи янги кўргазма ташкил этилди. Музейнинг бўлимларидаги экспонатлар янгиланиб турилди. Масалан, шу йили табиат бўлимида барча экспонатларнинг ёзувлари ўзгартирилиб, янги гербариylар қўйилди, халқ амалий санъати бўлимида XIX аср охири – XX аср бошларида Қашқадарё халқ амалий санъати ва ҳозирги замон халқ амалий санъати залларига ажратилиб, кўргазма тўлиқ янгиланди<sup>16</sup>.

Музей кўргазмалари янги-янги экспонатлар билан бойитиб борилди. 1998 йили Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи ходимлари янгидан 261 та осори- атиқалар тўплаб, музей экспонатлари сонини 19900 тага етказди. Булар ноёб гиламлар, сўзаналар, халқ амалий санъати буюмларидан иборат эди. 1998 йил Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музей экспонатлари билан танишганлар сони 52600 тани ташкил этган бўлса, уларга 200 дан ортиқ маърузалар ўқилди, 70 га яқин радио, телевидение, газета ва журналларда чиқишлиар ташкил қилинди<sup>17</sup>. Янги буюмлар асосида кўргазмалар ташкил этилди. 1998 йилда Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида Амир Темур ва темурийлар даври санъати ва маданиятига оид доимий кўргазма ташкил қилинди. “Обидалар мозийдан сўзлайди”, “Осори-атиқалар тарихидан” мавзуларида ташвиқот ишлари олиб борилди. Музейга ташриф буюрувчилар кўлами ортиб борди. Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи тарих, халқ амалий санъати, табиат, жанговар меҳнат ва шон-шуҳрат бўлими билан танишганлар сони 52,6 минг, кўчма кўргзамалардаги иштирокчилар сони 35,3 минг кишини ташкил қилди<sup>18</sup>.

1999 йил Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида аҳоли ва ўқувчи ёшларни ўзбек халқининг бой маданий мероси билан кенг танишириш мақсадида Қашқадарёнинг “Халқ амалий санъати”, “Ерқўрғон ёдгорлигининг янги топилмалари” мавзуларида кўргазмалар ташкил этилди<sup>19</sup>. Шу йили музейда сақланаётган 157 та нафис мойли бўёқда яратилган асарлардан кўргазмада 12 таси, 28 та график туркум асарларидан 13 таси, 380 та амалий санъат буюмларидан 110 таси, 2816 та археологик ашёлардан 120 таси, 830 та этнографик буюмларидан 95 таси, 1971 та тарихий хужжатлардан 350 таси намойиш этилди<sup>20</sup>. Масалан, музейнинг халқ амалий санъати бўлимида “Қашқадарё халқ ижодиёти”, “Касби кулоллари”,

<sup>12</sup> Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 16-варақ.

<sup>13</sup> СВДА, М-454-фонд, 4-рўйхат, 213-иш, 11-варақ.

<sup>14</sup> Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 277-иш, 14-варақ.

<sup>15</sup> ҚВДА, М-687-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 53-варақ.

<sup>16</sup> Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 541-иш, 3-4-варақлар.

<sup>17</sup> ҚВДА, М-687-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 4-варақ.

<sup>18</sup> Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 695-иш, 13-варақ.

<sup>19</sup> ҚВДА, М-687-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 2-варақ.

<sup>20</sup> Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 835-иш, 12-варақ.



“Оқсарой кошинпазлиги тарихидан” каби мавзуларда күргазмалар ташкил этилди<sup>21</sup>. Күргазмалар муваффақиятли ўтди. Ташриф буюрувчиларда катта таассурот қолдирди.

2002-2010 йиллар давомида Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейида Термиз ва термизий алломалар тарихи, этнография, халқ амалий санъати ва ижодиёти, археология ва нумизматика, ўлка табиати, спорти ва тасвирий санъати бўлимлари фаолият кўрсатди<sup>22</sup>. Вилоят ўлкашунослик музейи воҳадаги бошқа музейлар фаолиятини йўлга қўйишга ёрдам бериб келди. Масалан, 2002 йили Термиз Археология музейи ташкил этилгач, вилоят ўлкашунослик музейи кутубхона фондига қарашли 16 минг нусхадан зиёд китоблар Археология музейига топширилди<sup>23</sup>.

Термиз Археология музейида кўргазма ишлари ҳам жонланиб борди. Музейнинг кўргазмалар залидаги экспонатлар сони ортиб борди. Музейнинг 4-залида Александр Македонский даврига оид 2 та мисдан ясалган Гелиокл (мил. авв. 173 йй.) тангаси намойиш этилади. Бундан ташқари, Кушон даврига оид шу залда 20 та мис тангалар бор. Музейда ҳатто Кудзуло Кадфиз тангалари ҳам сақланади. Музей фондида ўрта асрлар, яъни эфталитлар даврига оид 13 та кумушдан ясалган танга, Қорахонийлар даврига оид 14 та, Амир Темур ва Темурийлар даврига оид 490 та, Шайбонийхон ва Бухоро амирлиги даврига оид 88 та мис тангалар кўргазмаларга қўйилган эди. Умуман Термиз Археология музейининг фондига жами 18650 та тангалар бўлиб, улар ҳар хил даврларга оид бўлиб турли хил металлардан – мис, кумуш, бронздан тайёрланган тангалар эди. Музейнинг “Нумизматика” бўлими илмий ходимлари томонидан бу тангалар классификация қилинди<sup>24</sup>. Бу осори-атиқалар доимий равишда кўргазмаларда намойиш қилиб келинади.

Мазкур музейнинг “Тош даври” бўлими 2002 йилнинг 3 апрелида ўз фаолиятини бошлади. Шу йили музейда “Қадимги Бақтрия ва элинизм даври” бўлими фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Бўлим умумий кўргазмалар залиниг 3, 4- залларидан ўрин олган бўлиб, унда 167 та экспонатлар витриналарга тартиб билан жойлаштирилган<sup>25</sup>. Музейнинг кўргазмалар залига келувчилар сони йилдан-йилга ортиб борди.

Ўлкашунослик музейлари табиат бўлими кўргазмаларидан ўлканинг табиати, ҳайвонот дунёсини тарғиб этувчи маълумотлар, китоблар, рисолалар, гербариylар, табиат ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш қўриқхоналари, янги нефть-газ корхоналари ҳакида маълумотлар жой олди.

Музейлардаги кўргазмаларга ўзгаришлар киритилиб, вилоятлар ўлкани ўрганиш музей тарих бўлимида воҳанинг қадимги давридан бошлаб бугунги кунгача бўлган йилномасини ёритувчи янги кўргазмалар ташкил этилди. Кўргазмаларга қадимги тош даврининг барча даврлари (палеолит, мезолит, неолит)га оид экспонатларнинг ҳам қўйилиши, ўлка тарихининг инсоният цивилизацияси қадимги ўчокларидан бири эканлигини асослаб беришга имкон берди. Ташкил этилган ҳам бир кўргазма муайян бир мавзу доирасида бўлиб, улар томошибинларга етарли даражада маълумотлар бериш имконини берди. Масалан, Амир Темур номидаги Шахрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейида хилма-хил мавзуларда кўргазмалар ташкил этилиб, уларда намойиш этилган экспонатлар орасида қадимги давр тарихига оид буюмлар ҳам кўп эди. Кўргазмаларда улар хронологик кетма-кетликда жойлаштирилиб, аҳоли ўртасида Шахрисабзда шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиш босқичлари экспонатлар орқали тарғиб этилди. Музейларда ташкил этилган этнографик экспозицион кўргазмаларда мисгарлик-кандакорлик, заргарлик ва амалий санъат, миллый либослар, Шахрисабз каштачилик услублари, миллий ошхона жиҳозлари, кулолчилик буюмлари намойиш этилишига аҳамият қаратилди.

<sup>21</sup> Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 965-иш, 5-6-вараклар.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Сурхондарё вилоятида музейлар ҳамда музей иши билан боғлиқ бўлган кўргазма муассасалари фаолиятини ўрганиш бўйича йигма жилдли папкаси, 110-варак.

<sup>23</sup> Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1206-иш, 16-варак

<sup>24</sup> Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1206-иш, 20-варак

<sup>25</sup> Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1206-иш, 5-варак.



Термиз Археология музейи Марказий Осиёда ягона бўлиб, кўргазмаларда намойиш этилган экспонатлар милоддан аввалги 100 минг йилликдан токи XX асрга қадар бўлган воҳа тарихига доирлиги билан қимматлидир. Музейда жаҳон аҳамиятига эга экспонат намуналари ҳам сақланиб келади, улар асосан ўзбек-япон, ўзбек-немис, ўзбек-француз, ўзбек-рус, ўзбек-хитой, ўзбек-испан, ўзбек-корейс ва ўзбек-чех экспедициялари илмий-археологик изланишлари натижасида кўлга киритилган экспонатлардир.

#### **Адабиётлар:**

1. Воронцев Б. Забота о посетителях. Методы работы с аудиторией, не требующий больших затрат // Материалы российско-британского семинара “Музеи в период перемен”. – СПб., 1997. - С. 89.
2. Қурбонова Д. Замонавий музейшуносликда виртуал кўргазмаларнинг истиқболлари // Ўзбекистон музейлари истиқболлари. Илмий қўлланма. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 36.
3. Ҳабибуллаев Н.Н. Музей ва фан-таълим // Ўзбекистон музейлари истиқболлари. Илмий қўлланма. –Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 15.
4. Юренева Т.Ю. Музееведение. – М., 2003.
5. Толипова Н. Музей қўргазмаларини ташкиллаштиришда ўзига хослик // Ўзбекистон музейлари истиқболлари. Илмий қўлланма. –Тошкент: Akademnashr, 2013. –Б. 112.
6. Курязова Д. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустакиллик давридаги фаолияти. Тарих фан. ном. дисс. – Т.: ЎзМУ. 2009. – Б. 59.
7. Қашқадарё вилоят давлат архиви, М-687-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 3-4-варак.
8. Қашқадарё вилоят давлат архиви, М-687-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 77-варак.
9. Ўзбекистон миллий архиви, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 11-вараклар.
10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Сурхондарё вилоятида музейлар ҳамда музей иши билан боғлиқ бўлган кўргазма муассасалари фаолиятини ўрганиш бўйича йиғма жилдли папкаси, 110-варак.

